

УЎК (УДК, UDC): 32.659

DOI: 10.36078/1565766586

СИЁСИЙ ИНТЕРНЕТ-КОММУНИКАЦИЯ — ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ СИФАТИДА



Хилола Абдурахим қизи АБДУРАХМОНОВА

Декан муовини

Интернет журналистика ва

ижтимоий тармоқлар факультети

Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникация университети

Тошкент, Ўзбекистон

hilola.queen@gmail.com

Аннотация

Замонавий шароитда сиёсий коммуникацияни тадқиқ этишнинг умумназарий ва методологик жиҳатлари ахборотлаштиришда ижтимоий омиллар таҳлили, ўтмиш олимларининг сиёсий назариянинг умумий муаммоларига бағишланган асарлари, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари, сиёсий ҳокимиятнинг моҳияти ва механизмлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: сиёсат; коммуникация; ахборот; электрон ҳукумат.

ПОЛИТИЧЕСКАЯ ИНТЕРНЕТ-КОММУНИКАЦИЯ КАК ФАКТОР СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ

Хилола Абдурахим қизи АБДУРАХМОНОВА

Заместитель декана факультета

интернет-журналистики и социальных сетей

Университет журналистики и массовых коммуникаций

Ташкент, Узбекистан

hilola.queen@gmail.com

Аннотация

В статье рассматриваются общетеоретические и методологические стороны политической коммуникации в контексте современных социально-политических аспектов коммуникации, дается анализ социальных факторов формирования информационного общества, а также рассматриваются общие проблемы политической теории различных ученых, взаимодействие государства и общества, сущность и механизмы политической власти.

Ключевые слова: политика; коммуникации; информация; электронное правительство.

POLITICAL-INTERNET COMMUNICATION AS A FACTOR IN SOCIAL DEVELOPMENT

Hilola Abdurakhim qizi ABDURAKHMONOVA

Depute Dean, Faculty of Internet Journalism

and Social Networks
Journalism and
Mass Communication University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan
hilola.queen@gmail.com

Abstract

This article discusses various aspects of political communication, the context of modern social and political aspects of political communication, the analysis of social factors in the formation of information society, the general problems of the political theory of the past, the interaction of the state and society, the essence and mechanisms of political power.

Keywords: politics; communications; information; electronic government.

“Коммуникация” атамаси ҳозирги мазмуни билан яқиндагина сиёсий илмлар луғатида пайдо бўлди. Политологик матнларда ушбу тушунчанинг бевосита қўлланилиши илк бор XX аср бошларида яшаган Ф. Ратцелга бориб тақалади: “сиёсий муносабатда ахборот узатиш барча коммуникацион хизматлар ичидан энг муҳими саналади” (2, 57). Сиёсат соҳасидаги коммуникация ёки сиёсий интернет коммуникация бошқа коммуникацион жараёнлар каби учта мақсадни кўзлаши мумкин: ахборот алмашинуви, фикр алмашиш, ахборот хатти-ҳаракатининг ўзгариши. Бироқ ушбу жараёнда, асосийси, шубҳасиз хатти-ҳаракат ўзгариши ҳисобланади, чунки айнан у жамиятда ҳукумат бошқарув муносабатлари таянчини ташкил қилади. Ўз навбатида, оммавий коммуникация воситалари (ОКВ) ва улар томонидан узатилаётган ахборот устидан назорат, ахборот жамиятида ҳокимиятни ижро этиш, ушлаб туриш, керак пайтда эса уни эгаллаш зарурий шартлардан бирига айланади. Сиёсий коммуникация ҳақидаги замонавий назарий қарашлар илдизи узоқ тарихга эга. Коммуникациянинг антик даврдан буён сиёсий таъсир воситаси сифатида тушунилганлиги ҳақида бизгача етиб келган қадимий юнон ва рим манбалари гувоҳлик беради. Платон хаёлий давлат ҳақидаги мулоҳазаларида маърифий мақсадларда мифларни “қайта ёзиб олиш” ва худоларнинг одамлар олдида яхши кўринишга эга бўлмаган жойларини олиб ташлашни таклиф қилиб, гапирган (5, 79). Арасту биринчи бўлиб, олий “умумий фаровонлик”ка эришишга йўналтирилган “мулоқот”ни таҳлил қилиб, сиёсий фаолият коммуникацион аспектига эътибор қаратди (4, 376). Натижада сиёсатнинг коммуникацион моҳияти ҳақидаги алоҳида тасаввурлар “умумий ҳуқуқий тартибот”ни ўрнатиш мақсадини кўзлайдиган сиёсий мулоқот ҳақида гапирган Цицерон асарларида ҳуқуқий тусга эга бўлди.

Бугунгача сиёсат соҳасида ахборот таъсири ва ўзаро таъсирлашув жараёнларини англаш ва назарий ўрганишда сиёсий коммуникация ҳали-ҳануз тадқиқотларнинг назарий методологик объекти сифатида ўрганилмаган. “Акцентларни аралашуви” яъни сиёсат соҳасида коммуникация феномени

тахлили учун машҳур политологик концепцияларни қўллаш турли сиёсий ходисаларни ўрганишда, сиёсатнинг ўзини "коммуникацион ўқиш"да кескин ривожланаётган назария элементларини қўллаш билан мослашишини назарда тутди.

Хориж муаллифларининг асарларида сиёсий коммуникациянинг асосий учта усули ажратилади: босма (матбуот, китоб, афишалар) ва электрон (интернет, радио, телевидение ва ҳ.з.) оммавий ахборот воситалари ёрдамидаги коммуникация; ташкилотлар, хусусан, бошқарувчи ва бошқарилувчилар ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилувчи сиёсий партиялар ва босим гуруҳлари ёрдамидаги коммуникация; норасмий алоқалар ёрдамидаги коммуникация (6, 190). Бироқ бу усуллар қаторига шунингдек, алоҳида коммуникатив ҳолат ва ҳаракатлар – сайловлар, референдумлар ва бошқаларни киритишимиз мумкин. "Сиёсий коммуникацияда – инглиз-америкача "Сиёсий таҳлил луғати" муаллифлари белгилаганидек, – ёзилган ёки талаффуз этилган сўз билан ишланади, бироқ у, исталган белги, рамз ёхуд сигнал ёрдамида амалга ошади. Шу тариқа, коммуникацияга рамзий ҳужжатлар – масалан, армияга юборилиш ҳақидаги хатни ёқилиши, сайловларда иштирок, сиёсий қотиллик ёки бутун дунё бўйлаб саёҳатга кемаларни жўнатилишини киритиш мумкин. Сиёсий коммуникация катта қисмини оммавий коммуникацияга ихтисослашган муассаса ва институтлар, ҳукматга тегишли ахборот агентликлари ёки сиёсий партиялар ташкил этади. Шунга қарамасдан, у юзма-юз суҳбатдан то миллий қонун чиқарувчи палаталардаги муҳокамагача исталган ижтимоий мулоқотда аниқланади" (8,112).

Сиёсий коммуникация сиёсий фаолият соҳасида ахборот айланиши демакдир. Ахборотнинг бу кўриниши жанрларига кўра турфа хил ва турли аудиторияга мўлжалланади: дипломатик муҳокамалардан тортиб оммавий коммуникация каналларидан узатиладиган хабарларгача.

Айни пайтда на сиёсий ахборот услуги, на адресат аҳамият касб этади: бу ҳолатда коммуникатор сиёсий институтлар ёки уларнинг таркибида ва уларнинг номидан ҳаракат қилувчилар муҳимроқдир. "Сиёсий коммуникация (лотинча *communicatio* сўзидан олинган) – сиёсий жараённи тизимлаштирувчи ва унга янги маъно берувчи, жамоатчилик фикрини шакллантириб, фуқароларнинг талаб ва манфаатлари ҳисобига сиёсий ижтимоийлаштирадиган жараёндир" (3, 183).

Ахборот жамиятининг шаклланишининг асосий омили инсон ҳаёт тарзининг барча соҳаларида ахборот коммуникацион технологиялари ролининг ўсиши саналади. М. Кастельснинг фикрича, "ахборот

технологиялари атрофида қурилган янги технологик парадигма иши орқали моддий маданиятимиз қайта шаклланиши" содир бўлмоқда. Ахборот менеджменти соҳасидаги машҳур мутахассис, 80-йиллар иккинчи ярмида Белфастдаги Қироллик университети ахборот тадқиқотлари кафедраси муdiri, У. Мартин таъкидлашича, ахборот жамияти атамаси остида "ривожланган саноат жамияти" тушунилиши керак ва унинг марказида Япония, АҚШ ва Ғарбий Европа туради. Бундай жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари, тадқиқотчининг фикрига қараганда, қуйидаги энг мезонлардир: технологик, ижтимоий, иқтисодий ва маданий мезонлар. Улардан энг асосийси технологик омил – ахборот технологиялари ишлаб чиқариш, муассасалар, таълим соҳаси ва хўжалиқда кенг қўлланилади. Ижтимоий соҳада ахборотга йўлни кенгайтириши "турмуш даражаси" ўзгариши, "ахборий онг" шаклланиши ва тасдиқланиши энг муҳим стимуляторларига айланади.

Сиёсат соҳасида ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги сиёсий жараёнда фуқароларнинг иштироки кескин ошиши ва аҳоли турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари ўртасида консенсусга эришишга кўмаклашади. Сиёсат соҳасида Интернет бошқа энг янги ахборот коммуникацион технологиялар билан бирга конвенционал сиёсий иштирок ва "электрон ҳукумат"нинг турли шакллари – шаклланаётган ахборот жамияти реал талабларига жавоб берадиган компьютер воситали механизмлари имкониятлари кенгайтиришга кўмаклашади. Ушбу муаммонинг ижобий ечими назаримизда, техник, технологик таркибий қисм эълон қилиниши ва инсонпарварлик анъаналари ҳамда маданиятига таянчдан воз кечишдан иборат. "Электрон ҳукумат" тараққиёти контекстида принципиал моҳият сиёсий коммуникация, унинг асосий оқимлари, тарқатилаётган ахборотлар мақсад ва йўналишларини аксиологик, қадриятли ўлчовларига эга. Шу муносабат билан, шубҳасизки, Д. Маккуэлнинг фикри тўғри (1, 46), унга кўра, сиёсий коммуникация соҳасида маданий сиёсат мазкур маданият (иерархия) сифатлари ва қадриятларининг устунлиги; адолат, демократия, фуқароларнинг кенг ҳуқуқлари (тенглик)ни таъкидлаш оқибатида ахборотга мослашиш учун тенг ҳуқуқ ва кенг имкониятлар; миллат, этник умумийлик ёки диний кўпчилик (бир хиллик); маънавий меъёрлар ва талаблар ҳисоби каби принципларга асосланиши шарт деб ҳисобларди. Сиёсий аҳамиятли ахборотни тарқалиши турли усул ва йўллар билан амалга оширилади. Ахборот таъсири манбаси тавсифидан келиб чиққан ҳолда, Г. В. Пушкарева тўртта сиёсий коммуникация каналини аниқлайди: сиёсий ташкилот, муассасалардан келувчи ахборий оқимларни назорат қиладиган расмий, айна пайтда тарқатиладиган ахборот институтлаштирилган табиатга эга бўлиб, сиёсий қарорлар (чоп этилгач, қонун кучига кирган давлат меъёрий

хужжатлари, расмий эълон, сиёсий ташкилотлар дастурлари ва бошқалар) қабул қилиш, фуқароларгача унинг мазмунини етказишни белгилайди; сиёсий воқеаларнинг аниқ иштирокчилари, сиёсий ташкилотлар ва давлат органлари етакчилари ҳамда уларнинг шахсий фикри, ўз қараши, индивидуал хусусиятларини ифода этишни назарда тутувчи (сиёсатчининг аудитория олдида, матбуот, радио, телевидениеда чиқишлари, одамлар билан шахсий мулоқот) сиёсий ахборотни узатишга мўлжалланган шахсий; ахборот тўғридан-тўғри сиёсий тузилма ёки сиёсий, давлат амалдорлари томонидан эмас, балки ОАВ, илмий-тадқиқот ёки ижтимоий марказлар, бошқа гувоҳ ва сиёсий воқеалар таҳлилчилари бўлиши мумкин бўлган даллолар томонидан узатиладиган билвосита; ҳамда аноним, яъни ахборотнинг ишончли аниқ манбасидан маҳрум бўлган, мишмишларга асосланган, кўпинча, матбуот ва бошқа ОАВ да тарқатиладиган канал (7, 51).

Сиёсий коммуникация кадр-қиммати бугун ҳар доимгидек, албатта, шахсий манфаатларидаги ҳукмрон элита ва бюрократия томонидан сиёсий жиҳатдан қайта англашилади, бироқ улар кўп жиҳатдан муайян жамият умумий ва сиёсий маданияти билан аниқланади. Сиёсий коммуникация сиёсий маданиятнинг мавжудлиги ҳамда ахборотни етказиш воситаси усули сифатида, ўзи эса мавжуд маданий меъёр ва қадриятлар билан намоён бўлади. Бу – бир-бирига ўзаро шартлашадиган ҳодисалардир.

Афсуски, бугунги воқеликлардан унча узок бўлмай туриб, шундай ҳулосага келиш мумкинки, ОАВ аслида, сўз эркинлигини у қадар намоён этмасдан, кўпроқ сиёсий, иқтисодий муносабатида энг қудратли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари йўлида жамиятни бошқариш воситаларидан бири сифатида чиқади. Таҷриба шуни кўрсатмоқдаки, замонавий ОАВ турли сиёсий мақсадларга хизмат қилиш учун: одамларни маърифатли қилиш, уларда шахсий ғурур туйғусини, эркинликка ва ижтимоий адолатга интилишини ривожлантириш, сиёсатдаги онгли иштирокда кўмаклашиш, шахсни бойитиш, айна пайтда, маънавий асир қилиш, нотўғри ахборот тарқатиш ва кўрқитиш, оммавий нафратни ёқиш, ишончсизлик уйғотиш ва ваҳимага солиш кабиларда барча техник ва мафкуравий имкониятларга эга. Жамиятимизнинг келажаги кўп жиҳатдан ОАВ қайси томоннинг позициясини эгаллашига боғлиқ.

2017–2021 йиллари Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида электрон ҳукумат тизимини янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида 2018–2021 йилларга мўлжалланган тегишли дастурнинг ўзида “Лицензия” портали ишга

туширилиши, нотариал хизматлар автоматлаштирилади ҳамда соддалаштирилади. Экспорт-импорт операциялари бўйича рухсат берувчи хужжатларни бир хиллаштириш давом эттирилади. Давлат органлари ходимлари ва аҳолининг интернетдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда компьютер саводхонлиги оширилиши бўйича чора-тадбирлар кўрилади.

Айтиш жоизки, электрон ҳукумат фаолиятини янги босқичга олиб чиқишда идоралараро электрон ҳамкорлик тизимидан фойдаланишни кенгайтириш талаб этилади. Шуни унутмаслик керакки, электрон ҳукумат фаолиятида маълумотлар муайян давлат муассасасидан ташқарига чиқади. Бу эса ахборот хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришни кун тартибига қўяди. Турли идоралар ахборот тизимлари ўртасида электрон ҳамкорликка ўтилиши айнан электрон ҳукуматнинг шаклланиш жараёни саналади. Ушбу жараённинг марказида давлат органи эмас, айнан фойдаланувчи турмоғи лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. McQuail D. Mass Communication Theory. 3d ed. – London; Thousand Oaks: Sage Publications, 1994. – 416 p.
2. Ratzel F. Politische Geographic. – Oldenburg, 1903; цит. по: Цыганков П.А. Международные процессы в условиях глобализации: проблема эффективной коммуникации // Вестник Московского университета. Серия 18: Социология и политология. 1999. № 4. 57 с.
3. The Dictionary of Political Analysis / Eds.: J. C. Plano, R. E. Riggs H. S. Robin. ABC – Clio. Santa Barbara. USA – Great Britain, 1982. 112 p.
4. Аристотель. Политика. // Аристотель. Сочинения: В 4 т. Т.4. – М.: Мысль, 1983. 644 с.
5. Платон. Государство. // Платон. Филеб, Государство, Тимей, Критий. – М.: Мысль, 1999. 420 с.
6. Политологический словарь. / Научн. ред., рук. авт. коллектива А. А. Мигولاتьев, сост. В. А. Варывдин: В 2 ч. – М., 1994. Ч. 1. – 183 с.
7. Пушкарева Г.В. Политические коммуникации // Политическое обеспечение бизнеса / Под ред. Ю.С. Конопина. М., 1995. – 53 с.
8. Шварценберг Р.-Ж. Политическая социология: В 3 ч. – М., 1992. – Ч. 1. – 312 с.

REFERENCES

1. McQuail D. Mass Communication Theory, London, Thousand Oaks: Sage Publications, 1994. 416 p.
2. Ratzel F. Politische Geographic, Oldenburg, 1903; In: Tsygankov P.A. *Vestnik Moskovskogo universiteta*, Ser. 18, Sotsiologiya i politologiya, 1999, No 4, 57 p.
3. The Dictionary of Political Analysis. ABC, Clio, Santa Barbara, USA, Great Britain, 1982, 112 p.
4. Aristotel'. *Sochineniya* (Works), in 4 vol., 4, Moscow: Mysl', 1983. 644 p.
5. Platon. *Gosudarstvo* (State) – Moscow: Mysl', 1999, 420 p.
6. Politological dictionary, in 2 Part, part1, Moscow, 1994, 183 p.
7. Pushkareva G. V. Political communications, Political ensuring business, Moscow, 1995, 53 p.
8. Schwarzenberg R.-Zh., Political sociology, Moscow, 1992, 312 p.